# Олган БЕКАР: Савдо-иқтисодий алоқа – ҳамкорлик драйвери




Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Олган Бекар “Ўзбекистон – Туркия: кенг қамровли стратегик шериклик” мавзусидаги давра суҳбатида сўзга чиқиб, икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи муҳим омилларга тўхталиб ўтди.

*Дипломат халқларимизни умумий дин, кўп асрлик тарих, тил ва маънавий қадриятлар ўхшашлиги боғлаб турганини алоҳида таъкидлади:*

– Қадимдан ўртамизда бой тарих, яқин маънавий-маданий мерос билан узвий боғланган қардошлик муносабати шаклланган. Буларнинг бари, шубҳасиз, ҳар томонлама ҳамкорлик ривожланишида ўзига хос тарзда акс этади.

Шу билан бирга Элчи бугунги кунда давлат раҳбарларининг биргаликдаги саъй-ҳаракати, улар ўртасида ўрнатилган ишончли мулоқот туфайли ўзаро муносабат кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилганини қайд этди.

– Туркия Ўзбекистоннинг тўртинчи йирик савдо ҳамкорига айланди. Қўшма корхоналар сони кундан-кун ошиб, етти йил мобайнида олти баробар кўпайди, – деди элчи.

Хуллас, жаноб Бекар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқа ўзаро ҳамкорлик драйвери бўлиб хизмат қилишига ишончи комил эканини урғулади.

***Манба***